

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲҚAMASINING
ҚАРОРИ

165 Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада
қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбир-
лари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПФ–4861-сонли Фармониға мувофиқ, шунингдек туризм соҳаси ва туризм инфратузилмасини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, миллий туризм маҳсулотлари ва брендларини халқаро туризм бозорларида фаол тарғибот қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловаға мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристик (меҳмонхона) йиғимни ундириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси мазкур қарор талабларини инобатға олган ҳолда бир ой муддатда меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларида яшовчиларнинг ҳисобини махсус электрон автоматлаштирилган дастурни қўллаб юритишни кўзда тутувчи туристик (меҳмонхона) йиғим тушумини назорат қилиш механизмини жорий қилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 10 октябрдаги 288-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 йил 10-сон, 73-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 март,
137-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 15 мартдаги 137-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш
давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм
соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини
шакллантириш ва улардан фойдаланиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади) ҳузурида юридик шахс мақомисиз, маблағлардан кейинчалик туризм соҳасини ривожлантиришда фойдаланиш учун уларнинг жамланишини таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

**2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш
манбалари**

3. Жамғарма қўидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:
жойлаштириш воситаларидан (меҳмонхоналар, туризм базалари ва мажмуалари, дам олиш уйлари ва зоналари, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, миллий меҳмон уйлари, ўтовли оромгоҳлар, санаторийлар ва бошқа меҳмонхона хизматлари — вақтинча яшаш хизматлари кўрсатувчи объектлар) ундириладиган туристик (меҳмонхона) йиғимдан тушумлар;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари;
хайр-эҳсон қилувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини депозитларга жойлаштиришдан тушадиган даромадлар бўйича тушумлар;
туристик (меҳмонхона) йиғим ўз вақтида тўланмаганлиги учун ундирилган пеня.

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари, хайр-эҳсон қилувчилар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг маблағлари Жамғармага конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жалб этилади.

5. Жамғармага тушадиган маблағлар Қўмита томонидан очиладиган

миллий ва хорижий валютада жамғариб бориладиган махсус ҳисоб рақамида жамланади.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш

6. Жамғарма маблағларидан ҳар йили Қўмита томонидан тасдиқланадиган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган даромадлар ва харажатлар сметасига қатъий мувофиқ равишда фойдаланилади.

7. Жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

туризм соҳасидаги мақсадли дастурларни молиялаштириш;

туризм инфратузилмаси объектларини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг лойиҳаолди ҳужжатларини тайёрлаш;

туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш, шунингдек уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан соҳавий хорижий ўқув марказларида ва таълим муассасаларида стажировкалардан ўтиш;

Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини чет эл туризм бозорларида тарғибот қилиш бўйича ташкилий ва реклама-ахборот тадбирларини амалга ошириш, шу жумладан маҳаллий ва хорижий босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида мақсадли рекламалар, мақолалар ва бошқа материалларни жойлаштириш;

хорижий туризм ярмаркаларида, кўргазмаларда, лойиҳалар ва дастурларда қатнашиш;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жаҳон Туристик Ташкилоти (ЮНВТО)га аъзолик бадаллари тўлаш;

Қўмита, шу жумладан унинг ҳудудий бошқармалари ва «Ипак йўли офиси» УК фаолиятини молиялаштириш, вакиллик харажатлари ва совғалар харид қилиш;

Қўмита томонидан давлат унитар корхоналарининг устав жамғармаларини шакллантириш ҳамда тўғридан-тўғри тузиладиган шартномалар асосида уларнинг уставларига мувофиқ улар томонидан бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар) учун тўлов;

Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остида туризм тармоғини ривожлантириш учун жалб этилган кредитларни ва улар бўйича фоизларни қайтариш.

8. Қўмита раиси Жамғарма маблағларини тасарруф этувчи ҳисобланади.

4-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши юзасидан ҳисобот ва назорат

9. Жамғарма маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

10. Қўмита раиси ва бош бухгалтери бухгалтерия ҳисоби тўғри юртилиши, Жамғармага маблағлар тушиши ва улардан фойдаланилиши тўғри-

сидаги ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш юзасидан белгиланган тартибда жавоб беради.

11. Қўмита Жамғармага маблағлар тушиши ва улардан фойдаланилиши тўғрисида ҳар чорақда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-қунигача Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳисобот тақдим этади.

12. Жамғарманинг ҳисобот йилида фойдаланилмаган маблағлари олиб қўйилмайди ва кейинчалик ушбу Низомда назарда тутилган тартибда фойдаланиш учун миллий ва хорижий валютада жамғариб бориладиган махсус ҳисоб рақамида қолади.

13. Қўмита раиси Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан шахсан жавоб беради.

5-боб. Яқунловчи қоида

14. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 15 мартдаги 137-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристик (меҳмонхона) йиғимни ундириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристик (меҳмонхона) йиғимни ундириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

жойлаштириш воситалари — меҳмонхоналар, туризм базалари ва мажмуалари, дам олиш уйлари ва зоналари, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, миллий меҳмон уйлари, ўтовли оромгоҳлар, санаторийлар ва бошқа меҳмонхона хизматлари — вақтинча яшаш хизматлари кўрсатувчи объектлар;

туристик (меҳмонхона) йиғим — жойлаштириш воситалари томонидан хорижий фуқаролар ва Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойига эга бўлмаган, фуқаролиги бўлмаган шахслардан 2 АҚШ доллари эквиваленти миқдоридан уларнинг жойлаштириш воситаларида яшаган ҳар бир куни учун ундириладиган йиғим. Давлат ва бюджет ташкилотлари томонидан яшаш бўйича хизматларга тўлов улар таклиф қилган, мазкур хатбошида кўрсатилган шахслар учун амалга оширилганда, туристик (меҳмонхона) йиғим 2 АҚШ доллари эквивалентида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тўлов кундаги курси бўйича миллий валютада тўланади. Тўлиқ бўлмаган яшаш куни учун туристик (меҳмонхона) йиғим тўлиқ яшалган кун миқдоридан ундирилади.

Қўмита — Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси;

Жамғарма — Қўмита томонидан, юридик шахс мақомисиз, хорижий ва миллий валютада жамғариб бориладиган махсус ҳисоб рақамларини очиш орқали ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурида бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси;

Жамғарма махсус ҳисоб рақамлари — Жамғармага тушадиган маблағларни жамлаш учун Қўмита томонидан очиладиган хорижий ва миллий валютадаги жамғариб бориладиган махсус ҳисоб рақамлар.

3. Туристик (меҳмонхона) йиғим меҳмонхона хизматлари учун ҳақ тўланган валютада (АҚШ доллари, евро ва сўм) тўланади ва жойлаштириш воситалари томонидан Жамғарманинг махсус ҳисоб рақамларига йўналтирилиши лозим. Жамғарманинг махсус ҳисоб рақамларига келиб тушган маблағлар ҳисоби туристик (меҳмонхона) йиғим қайси валютада ундирилганидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кундаги курси бўйича, меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситаларида яшовчиларнинг ҳисобини юритиш махсус электрон автоматлаштирилган дастурини қўллаган ҳолда, фақат АҚШ долларида олиб борилади.

4. Жойлаштириш воситалари:

фақат туристик (меҳмонхона) йиғимни ундиришдан тушадиган тушумни жамлаш ва уни кейинчалик Жамғарманинг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш учун фойдаланиладиган, хорижий ва миллий валютадаги махсус ҳисоб рақамларни ваколатли банкларда очишга;

меҳмонхона хизматларини кўрсатиш учун туроператорлик ва бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузиш чоғида ваколатли банкларда очилган ва ундириладиган туристик (меҳмонхона) йиғимдан тушадиган тушумлар ўтказиладиган миллий ва хорижий валютадаги махсус ҳисоб рақамларни шартнома реквизитларида алоҳида кўрсатишга;

меҳмонхона хизматларини кўрсатишда юридик ва жисмоний шахсларга тўлов учун ҳисоб (инвойс, квитанция, ҳисоб-фактура), ҳамда меҳмонхона хизматлари қиймати ва яшаган кунлари учун ундирилган туристик (меҳмонхона) йиғимнинг умумий миқдорини кўрсатган ҳолда меҳмонхона хизматлари кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (ҳисоб-фактура, бажарилган ишлар ва/ёки кўрсатилган хизматлар далолатномаси) беришга;

туристик (меҳмонхона) йиғим ундирилиши лозим бўлган, жойлаштириш воситаларида яшовчи жисмоний шахсларнинг сонини, уларнинг яшаш кунлари сонини, ҳамда Жамғарманинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим бўлган хорижий ва миллий валютадаги миқдори ҳисобини юритишга;

жойлаштириш воситаларида яшовчиларнинг ҳисобини юритиш махсус электрон автоматлаштирилган дастурини қўллаган ҳолда туристик (меҳмонхона) йиғим ундирилиши лозим бўлган, амалда яшаётган жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни Қўмитага ўз вақтида тақдим қилишга;

Қўмитага тақдим қилинган маълумотларга мувофиқ, ўтган ой мобайнида уларга тушган хорижий ва миллий валютадаги туристик (меҳмонхона)

йиғим миқдорини, шу жумладан вақтинча яшаш муддатлари кейинги ойга ўтадиган жисмоний шахслар бўйича ўтган ойдаги амалдаги яшаш кунлари учун тўлиқ ҳажмда Жамғарманинг махсус ҳисоб рақамига ҳар ой жорий ойнинг 5-санасигача ўтказилишини таъминлашга мажбурдирлар. Бунда кўрсатилган муддатга жойлаштириш воситалари хорижий ва миллий валютадаги шахсий маблағлари ҳисобидан туристик (меҳмонхона) йиғим миқдорини жисмоний шахслардан тўлиқ бўлмаган ҳажмда (нотўғри) ундириш натижада шаклланган қарздорликни тўлаб беради.

Низомнинг мазкур бандида кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши учун масъулият жойлаштириш воситаларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари зиммасига юкланади.

5. Қўмита ҳар ойнинг 10-кунигача жойлаштириш воситаларида яшовчиларнинг ҳисобини юритиш махсус электрон автоматлаштирилган дастурини қўллаган ҳолда тақдим этилган маълумотлар асосида жойлаштириш воситалари туристик (меҳмонхона) йиғим миқдорини ўтказиши лозим бўлган, амалда яшаган жисмоний шахслар тўғрисидаги умумлашган маълумотларни шакллантиради. Мазкур маълумот жойлаштириш воситалари бўйича шакллантирилади ва Жамғарманинг махсус ҳисоб рақамларига ундириладиган туристик (меҳмонхона) йиғим миқдорини тўлиқ тушишини текшириш учун фойдаланилади.

6. Туристтик (меҳмонхона) йиғим миқдори Жамғарма махсус ҳисоб рақамига ўз вақтида ёки тўлиқ ўтказилмаганлиги учун жойлаштириш воситалари кечиктирилган ҳар бир кун учун туристик (меҳмонхона) йиғим ўтказилмаган миқдорининг 0,05 фоизи, бироқ қарздорлик умумий миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда, миллий валютада пеня тўлайдилар. Хорижий валютадаги қарздорлик бўйича пеня Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тўлов кундаги курси бўйича эквивалентда миллий валютада ўтказилади. Пенялар Жамғарманинг миллий валютадаги махсус ҳисоб рақамига тўланади.

7. Қўмита Жамғарманинг махсус ҳисоб рақамларига туристик (меҳмонхона) йиғим миқдорини тўлиқ тушишини таъминлаш мақсадида, туристик (меҳмонхона) йиғим бўйича қарздорликни ва Жамғарманинг махсус ҳисоб рақамига ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилмаган туристик (меҳмонхона) йиғим миқдори учун пеняларни ундириш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган чораларни кўради.

8. Жойлаштириш воситалари ундирадиган ва уларнинг махсус ҳисоб рақамига тушган туристик (меҳмонхона) йиғим миқдори жойлаштириш воситасининг тушуми (фойдаси) ҳисобланмайди.

9. Ушбу Низом бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.